



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil «30» июль

№ПҚ-4795

Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Аграр соҳада илм-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш, худудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

аграр таълимда бакалавриат таълим йўналишларида таълимнинг **кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш**. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада **беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгилаш**;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурларини **аграр соҳа олий таълим муассасалари томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқлаш**;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини **1 йил**, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини **2 йил** этиб белгилаш;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасаларига соҳада 5 йиллик стажга эга бўлган ходимларни тавсиянома асосида ўқишга тавсия этилганда ўқиш муддатини **сиртқи таълим шаклида 4 йил этиб белгилаш ҳамда тўлов-контракт миқдорини кундузги таълим йўналишидаги тўлов-контракт (стипендијасиз) миқдорига тенглаштириш;**

тажриба-синов тариқасида, Тошкент давлат аграр университетида бакалавриат таълим йўналишларининг **сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш;**

хорижий фуқаролар учун тўлов-контракт миқдорини, истисно тариқасида, **икки баробарга камайтириш;**

бакалавриат йўналишида **касбий таълим** (йўналишлар бўйича) бўйича **кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи “Агроинновация” давлат унитар корхонаси ва Тошкент давлат аграр университети хузуридаги “Ғўза уруғчилиги маркази” негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази (кейинги ўринларда – Миллий марказ) ташкил этилсин.

Қўйидагилар Миллий марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими (AKIS) стратегиясини амалга ошириш;

ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида интеграцияни таъминлаш;

республикада агрохизматлар ва қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат (extension) марказлари фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш;

соҳага янги илмий ва инновацион ютуқларни, рақамли технологияларни жорий этиш;

вилоят ва туманларда янги ташкил этиладиган агрохизмат марказларига замонавий билимларга эга мутахассисларни жалб қилиш ва мунтазам равишда уларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш;

халқаро сифат стандартларини худудий агрохизмат марказларида жорий қилинишига кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда **уч ой муддатда** фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини тубдан такомиллаштиришни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар тизими (AKIS) стратегияси ва йўл харитасини ишлаб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Тошкент давлат аграр университетининг:

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтини Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимига ўтказган ҳолда **Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти сифатида ташкил этиш**;

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтини Тошкент вилояти Қиброй тумани, Университет кўчаси, 2-йй манзилидаги бинога бепул фойдаланиш хукуқи билан жойлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти томонидан қишлоқ хўжалигининг долзарб муаммолари бўйича **давлат илмий техник дастурлари доирасида бажариладиган мақсадли фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳаларни қонунчиликда белгиланган тартибда молиялаштириш** чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** Аграр таълим тизимини 2030 йилгача бўлган инновацион ривожланиш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Олий таълим муассасаларининг кафедраларига йўналишлар бўйича бириктириладиган агросаноат мажмуига кирувчи илмий-тадқиқот муассасалари, илмий марказлар ва ташкилотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали негизида **Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилган қишлоқ хўжалиги касб-хунар колледжлари негизида олий мактаблар ўрнига агротехнологиялар техникумларини (кейинги ўринларда – Техникумлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Институт Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг, Техникумлар қишлоқ хўжалиги касб-хунар колледжларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигига:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги тизимидағи олий таълим муассасаларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан Тошкент давлат аграр университети ва Институтда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари ҳамда профессионал таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проректор лавозимларини жорий этиш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети қошида республика олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари таркибидан танлаб олинган ёшлар учун “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва уни рақамли трансформациялаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида маҳсус факультет ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

9. Куйидагилар:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ташкил этиладиган янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб фаолият юритадиган агротехнологиялар техникумлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки:

Техникумларда юқори малакали педагог-ходимлар таркибини шакллантиришда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида аграр соҳадаги олий таълим муассасалари ҳамда ҳудудларда жойлашган олий таълим муассасаларининг турдош кафедралари профессор-ўқитувчиларига устуворлик берилади;

Техниумларни муваффақиятли тамомлаган битиувчилар якка тартибдаги сұхбат асосида кириш имтихонларисиз қишлоқ хұжалиги олий таълим муассасаларининг мос бакалавриат таълим йўналишларида 2-босқичдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

бошқа олий таълим муассасаларидаги қишлоқ хұжалиги соҳасига оид турдош бакалавриат ва магистратура мутахассислиги таълим йўналишлари кафедра мудирларини лавозимга тайинлаш ҳамда озод этиш Тошкент давлат аграр университети билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хұжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Институт ва Техниумларнинг тузилмаси ва Устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилишини;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг катта амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

педагог-ходимларнинг ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида стажировка ўташларини;

ўқув-услубий жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харожатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини;

ахборот-ресурс марказларини зарур ўқув, илмий ва бадий адабиётлар билан тўлдириш чоралари кўрилишини;

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари туркумининг қишлоқ хұжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни инобатга олиб, хорижий олимлар, олий таълим ва аграр соҳаларда самарали фаолият юритаётган мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрланишини;

мамлакатдаги ислоҳотларнинг замонавий босқичи эҳтиёжлари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ҳамда дастурларини янгилаш ва қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишини таъминласин.

12. Куйидагилар Институт ва Техникумларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Белгилаб кўйилсинки, Институт ва Техникумларни жорий сақлаш харажатлари 2020 йилда “Маориф” соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2021 йилдан бошлаб мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги:

қайта ташкил этилаётган Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-йй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари, тегишли ҳудуди, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкини Институтга, қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллажларининг мол-мулкларини Техникумларга белгиланган тартибда бепул берилишини таъминласин;

қайта ташкил этилаётган Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида 2019/2020 ўқув йилида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларга уларнинг ўқишини тугатгунига қадар Институтда ўқишини якунлаш имкониятини яратсин;

Институтга бошқа ҳудудлардан ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларни фаолият юритган даврида турар жой билан таъминлаш чораларини қўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларини тијоратлаштириш ҳамда хўжалик шартномалари ҳисобидан тушган маблағлардан тўланадиган солиқ ставкаларини икки баробарга камайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига:

таълим муассасаларини соҳа бўйича юксак билимларга эга бўлган, чет тилларини яхши биладиган, замонавий информацион технологиялардан хабардор малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш;

хорижий тилни, хусусан инглиз тилини яхши ўзлаштирганлигини тасдиқловчи сертификатга эга бўлган (IELTS даражаси 6,5 ва ундан юқори) профессор-ўқитувчиларни (хорижий тиллар бўйича профессор-ўқитувчилар бундан мустасно) ойлик маошларига 10 фоиз устама белгилаш;

вазирлик тизимидағи олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий адабиётларни харид қилиш, профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув адабиётларини чоп этиш харажатларини қоплаш учун халқаро молия институтларининг грантларини жалб қилиш вазифалари юклатилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларни “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда “Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш” жамғармаси маблағлари ҳисобига хорижий давлатларнинг етакчи олий ва илмий-тадқиқот муассасаларига мақсадли стажировка ўташга юбориш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарорига
1-илова

**Олий таълим муассасаларининг кафедраларига йўналишлар
бўйича бириктириладиган агросаноат мажмуига кирувчи илмий-
тадқиқот муассасалари, илмий марказлар ва ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

T/p	Олий таълим муассасаси номи	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Бириктирилган илмий- тадқиқот муассасалари ва ташкилотлар номи
1.	Тошкент давлат аграр университети, унинг Термиз, Нукус, Самарқанд филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Деҳқончилик ва мелиорация	Пахта селекцияси, урӯчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ва унинг филиаллари
			Сув муаммолари илмий- тадқиқот институти
2.	Тошкент давлат аграр университети, унинг Термиз филиали, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Ўсимликшунослик	Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти, унинг Сурхондарё ва Андижон филиаллари
3.	Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус филиали	Соя ва мойли экинлар	Шоличилик илмий тадқиқот институти ва унинг Нукус филиали
4.	Тошкент давлат аграр университети, унинг Термиз, Нукус, Самарқанд филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва урӯчилиги	Пахта селекцияси, урӯчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ва унинг филиали
			Генетика ва экспериментал биология илмий тадқиқот институти
5.	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти
6.	Тошкент давлат аграр университети	Агрокимё ва тупроқшунослик	Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти
7.	Тошкент давлат аграр университети	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти

T/p	Олий таълим муассасаси номи	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Биритирилган илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлар номи
8.	Тошкент давлат аграр университети ва унинг Термиз филиали	Қишлоқ хўжалиги фитопатологияси	Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти ва унинг Сурхондарё филиали
9.	Тошкент давлат аграр университети ва унинг Термиз филиали	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини	Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти ва унинг Сурхондарё филиали
10.	Тошкент давлат аграр университети, унинг Термиз, Нукус, Самарқанд филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Мевачилик ва узумчилик	М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ва унинг филиаллари
11.	Тошкент давлат аграр университети, унинг Термиз, Нукус, Самарқанд филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Сабзавотчилик,полизчилик ва картошкачилик	Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти ва унинг филиаллари
12.	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалигига экологик хавфсизлик ва ботаника	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий тадқиқот институти Ботаника институти
13.	Тошкент давлат аграр университети, унинг Термиз, Нукус, Самарқанд филиаллари, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш	М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ва унинг филиаллари Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти ва унинг филиаллари
14.	Тошкент давлат аграр университети	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлашириш ва сертификатлаш	Стандартлашириш, сертификатлашириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти
15.	Тошкент давлат аграр университети	Агробиотехнология	Геномика ва биоинформатика маркази Микробиология институти

T/p	Олий таълим муассасаси номи	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Биритирилган илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлар номи
16.	Тошкент давлат аграр университети	Ипакчилик ва тутчилик	Ипакчилик илмий тадқиқот институти
17.	Тошкент давлат аграр университети	Балиқчилик	Балиқчилик илмий тадқиқот институти
18.	Тошкент давлат аграр университети	Умумий зоотехнология	Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти
19.	Тошкент давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Ўрмончилик	Ўрмончилик илмий тадқиқот институти ва унинг Андижон филиали

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарорига
2-илова

**2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институтида ташкил этиладиган
янги бакалавриат таълим йўналишлари
ва магистратура мутахассисликлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Таълим йўналиши
Бакалавриат таълим йўналишлари	
1.	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш
2.	Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи
3.	Узумчилик ва виночилик
Магистратура мутахассисликлари	
1.	Агротуроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича)
2.	Агрокимё
3.	Агрономия
4.	Селекция ва уруғчилик (экинлар гурухлари бўйича)
5.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
6.	Сабзвотчилик ва полизчилик
7.	Мевачилик
8.	Ҳимояланган ер мева-сабзвотчилиги
9.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (тармоқлар бўйича)
10.	Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси
11.	Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарорига
3-илова

**2020/2021 ўқув йилидан бошлаб фаолият юритадиган
агротехнологиялар техникумлари
РЎЙХАТИ**

T/р	Туман (шаҳар) номи	Таълим муассасаси номи	Куввати	Методик ёрдам кўрсатувчи олий таълим муассасаси	Янги номи
Андижон вилояти					
1.	Шаҳрихон тумани	Шаҳрихон қишлоқ хўжалиги коллежи	900	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Шаҳрихон агротехнологиялар техникуми
Бухоро вилояти					
2.	Ромитан тумани	Ромитан қишлоқ хўжалиги коллежи	600	Тошкент давлат аграр университети	Ромитан агротехнологиялар техникуми
3.	Ғиждувон тумани	Ғиждувон қишлоқ хўжалиги коллежи	720	Тошкент давлат аграр университети	Ғиждувон агротехнологиялар техникуми
Жиззах вилояти					
4.	Ғаллаорол тумани	Ғаллаорол тумани қишлоқ хўжалиги коллежи	720	Тошкент давлат аграр университети	Ғаллаорол агротехнологиялар техникуми
Навоий вилояти					
5.	Хатирчи тумани	Хатирчи қишлоқ хўжалиги коллежи	585	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали	Хатирчи агротехнологиялар техникуми
Наманган вилояти					
6.	Тўракўрғон тумани	Тўракўрғон қишлоқ хўжалиги коллежи	1 050	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	Тўракўрғон агротехнологиялар техникуми
Самарқанд вилояти					
7.	Жомбой тумани	Жомбой қишлоқ хўжалиги коллежи	900	Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали	Жомбой агротехнологиялар техникуми
Сирдарё вилояти					
8.	Сирдарё тумани	Сирдарё қишлоқ хўжалиги коллежи	720	Тошкент давлат аграр университети	Сирдарё агротехнологиялар техникуми

T/p	Туман (шаҳар) номи	Таълим муассасаси номи	Куввати	Методик ёрдам кўрсатувчи олий таълим муассасаси	Янги номи
Сурхондарё вилояти					
9.	Қизириқ тумани	Қизириқ қишлоқ хўжалиги коллежи	735	Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали	Қизириқ агротехнологиялар техникуми
10.	Кумкўрғон тумани	Кумкўрғон қишлоқ хўжалиги коллежи	782	Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали	Кумкўрғон агротехнологиялар техникуми
Тошкент вилояти					
11.	Зангиота тумани	Зангиота қишлоқ хўжалиги коллежи	615	Тошкент давлат аграр университети	Зангиота агротехнологиялар техникуми
Хоразм вилояти					
12.	Урганч тумани	Урганч туман қишлоқ хўжалиги коллежи	675	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали	Урганч агротехнологиялар техникуми

